

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

КАЛАНДАРОВА АМИНА НУРУЛЛАЕВНА

**ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДАГИ АЁЛЛАРДА ЦЕРВИКАЛ
ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯ ПАТОГЕНЕЗИДАГИ
КЛИНИК ВА ИММУНОГЕНЕТИК ҲУСУСИЯТЛАР**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Каландарова Амина Нуруллаевна Оролбўйи минтақасидаги аёлларда цервикал интраэпителиал неоплазия патогенезидаги клиник ва иммуногенетик хусусиятлар.....	3
Каландарова Амина Нуруллаевна Клинико – иммуногенетические особенности в патогенезе цервикальной интраэпителиальной неоплазии у женщин Приаралья.....	27
Kalandarova Amina Nurullayevna Clinic - immunogenetic features in the pathogenesis of cervical intraepithelial neoplasia in women of the Aral region.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

КАЛАНДАРОВА АМИНА НУРУЛЛАЕВНА

**ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДАГИ АЁЛЛАРДА ЦЕРВИКАЛ
ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯ ПАТОГЕНЕЗИДАГИ
КЛИНИК ВА ИММУНОГЕНЕТИК ҲУСУСИЯТЛАР**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Tib470 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Арипова Тамарахон Уктамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич тиббиёт фанлари доктори Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор Колесникова Наталья Владиславовна биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

З.С.Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Я.Файзуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

У.П.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Аёллар саломатлигини сақлаш муаммоси – ҳар бир мамлакат учун замонамизнинг нисбатан устувор ва стратегик муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида бачадон бўйни саратони (ББС) касаллиги тобора ортиб бормоқда. Касалликни кечиши, репродуктив ёшдаги аёллар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фаркланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотиغا кўра, «...бачадон бўйни саратони касаллиги аёлларда учрайдиган кенг тарқалган саратон касалликлари орасида иккинчи ўринни эгаллайди»¹. Бачадон бўйни саратонини эрта тахшишлаш нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлмоқда. Аёлларда цервикал интраэпителиал неоплазия (CIN) ривожланишини олдини олиш, самарали даволаш усулларини қўллаш натижасида анча ютуқлар қўлга киритилганлигига қарамай, бачадон бўйни саратони пайдо бўлиш хавфининг ортишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан аёлларда ББС келиб чиқишини олдини олиш, цервикал интраэпителиал неоплазия ривожланишининг фено-генотипик кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш илмий жиҳатидан замон талаби бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида репродуктив ёшдаги аёлларда юзага келадиган касалликлар, жумладан, цервикал интраэпителиал неоплазия ривожланиш хавфини эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аёллар организмнинг патологик ўзгаришларига олиб келувчи омилларни аниқлаш; репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладорлик ва ҳомиладор бўлмаган даврларда скрининг назорати тизимини ишлаб чиқиш; цервикал интраэпителиал неоплазия келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, CIN хавфининг турли популяцияларда молекуляр-генетик омилларини аниқлаш, унинг аҳамиятли генотиплари ва номзод генлар аллел вариантларининг фенотипик кўринишлари билан ассоциациясини аниқлаш, касалликни олиб бориш протоколларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. CINли аёлларда тизимли ва локал иммунологик ҳолатини баҳолаш, касалликка мойилликни пайдо қилувчи генлар полиморфизминини аниқлаш, CIN ривожланиш даражасига қараб касаллик профилактикаси, ташхиси ва даволашнинг оптимал алгоритминини ишлаб чиқишсоҳа олимлари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Республикаимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, шунингдек, саратон касалликларинини эрта тахшишлаш ва профилактикасинини такомиллаштириш, ҳамда онкологик хизматни дунё стандартлари даражасигача етказишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича

¹ Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг ҳисоботи, 2017.

чора-тадбирларида «...аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»² вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан холда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, турли ёшдаги аёлларда цервикал интраэпителиал неоплазия келиб чиқиш хавфини эрта ташхислаш ва даволашни юқори замонавий усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Аёлларда цервикал интраэпителиал неоплазия патогенезидаги клиник ва иммуногенетик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Department of Obstetrics and Gynecology (Англия), International Federation of Obstetrics and Gynecology (FIGO), University of Oxford (Англия); Ottawa Hospital Research Institute, University of Ottawa, University Laval (Канада); Anderson саратон маркази (АҚШ), Gustav Russi институти (Франция), Sloan-Kettering мемориал саратон маркази (АҚШ), Милан шаҳридаги миллий саратон институти (Италия), Dana-Farber саратон Институти (АҚШ), Sun Yat-Sen Университети саратон маркази (Хитой), National Institute of Biomedical Genomics, П.А.Герцен номидаги онкологик илмий тадқиқот институти (Россия), Н.Н.Блохин номидаги Россия илмий онкологик маркази, академик В.И.Кулаков номидаги Республика акушерлик, гинекология ва перинатология илмий тадқиқот маркази (Россия), Иммунология ва инсон геномикаси институти ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

³ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.acog.org, www.aafp.org, www.jhsph.edu, www.cpc.unc.edu, www.unc.edu, obsgyn.mcmaster.ca, www.figo.org, www.studylib.ru, www.ottawahospital.on.ca, www.uottawa.ca, www.unsw.edu.au, www.fadergs.edu.br, pushpagiri.in, ncagp.ru, www.ssmu.ru, www.bsmi.uz бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Цервикал интраэпителиал неоплазияни ташхислаш, клиник кўринишлари ва иммуногенетик ҳусусиятлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: цервикал интраэпителиал неоплазия (CIN) ривожланишининг асосий шартлардан бири инсон папилломавирус эканлиги исботланган (Sloan-Kettering мемориал саратон маркази, АҚШ); CIN Ни электрокоагуляция, криодеструкция ва радиотўлқинли жарроҳлик усуллари билан даволаш усули ишлаб чиқилган (International Federation of Obstetrics and Gynecology, FIGO); Россия илмий онкологик маркази ходимлари CIN Ни даволашда комбинацияланган усулларни қўлланилиши юқори самарадорлигини исботланган (П.А.Герцен номидаги онкологик илмий тадқиқот институти, Россия); цервикал интраэпителиал неоплазия рецидивларига оддий герпесвируснинг 2 серотипи сабабчи эканлиги исботланган (Hacattepe University, Туркия; University of British Columbia, Канада; The National Institute of Perinatología Isidro Espinosa de los Reyes, Мексика); CIN ни патогенетик ташхислаш ва даволашнинг замонавий тизими такомиллаштирилган (Ohio State University, College of Medicine, University of North Carolina, АҚШ).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида интраэпителиал неоплазияни ташхислаш, даволаш, профилактикаси, клиник ва иммуногенетик ҳусусиятларни аниқлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: турли миллат аёлларида CIN хавфига ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш; ВПЧ-16 ва ВПЧ-18 вируслари билан зарарланган хужайраларни ингибирловчи омилларни аниқлаш; бачадон бўйни эпителиал хужайралари ўсишига ретиноидлар (бета-каротин ва витамин А) таъсирини аниқлаш; ташхислашда биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлар ҳолатидаги ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; иммуногенетик тадқиқотлар ёрдамида CIN келиб чиқишига сабабчи ген номзодларни аниқлаш; цервикал интраэпителиал неоплазия билан хасталанган беморларда TNF–G 308A ген полиморфизмига боғлиқлик механизмларни аниқлаш; одам папилломавирус ташувчанлик шаклланишини олдини олиш ва олдиндан ахборотлаш мезонларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш; аёллар ўлимини камайтиришни таъминлайдиган даволаш-профилактика чора-тадбирларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бачадон бўйни саратонли касалликлари муаммоси бўйича кўпгина тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларда гениталия патологияларининг этиологик, клиник ва морфологик томонлари кўриб чиқилган. Бу муаммонинг алоҳида жихатлари етарлича ўрганилган ҳамда мамлакатимиз ва чет эллик олимларнинг илмий ишларида келтирилган (Ашрафян Л.А.; Бестаева Н.В., Василенко Л.В.; Довлетханова Э.Р.; Захирова Н.Н.; Клинышкова Т.В., Каратюк Т.И., Краснопольский В.И.; Куевда Д.А.; Назарова Н.М.; Минкина Г.Н.; Муйжнек Е.Л.; Подзолкова Н.М.; Прилепская В.Н.; Роговская С.И.; Савичева А.М.; Терехнева Л.И.; Хакимов Ф.М. ; Шахова Н.М.; Шипулина О.Ю.; Amant F. Bosch X.; Hills N.K. et al.;

П'yasova D.; Kyrgiou M., Koliopoulos G.; Miyatake T.; Munoz N.; Sherman M.E.; Szarewski A.; Wright V.; Uccella S. ва бошқалар). Иммунитетнинг ҳолати (Абрамовских О.С., 2010; Зароченцева Н.В., 2012; Минкина Г.Н., 2010; Подистов Ю.И., 2006; Серова О.Ф., 2012; Alward E.K. et al., 2006; Halaska M.J. et al., Russomano F., 2004; Selleret L. et al., 2007). Аввал ўтказилган бир қатор тадқиқотларда дисплазия ва ББС да p16 ва E7 биомаркерларни аниқлашнинг аҳамияти кўрсатилган (Евстигнеева Н.П., 2007; Раскин Г.А., 2009; Городецкая С.Б., 2010; Короленкова Л.И., 2010; Роговская С.И., 2011; Ахметзянова А.В., 2012; Bottley G. et. al., 2008; Lampley E.C. et al., 2007; Schledermann D.; Van Calsteren K., et al., 2008).

1968 йилда Richart “цервикал интраэпителиал неоплазия (CIN)”нинг 3 босқичи бўйича аниқланадиган, бачадон бўйни саратонолди ҳолати таснифидан фойдаланишни таклиф этган. CIN I – енгил (кучсиз, оддий эпителиал дисплазия), CIN II – ўртача, CIN III – оғир эпителиал дисплазия ва ички эпителиал карциномага москелади. Иммун жавоби паст бўлган аёллар персистент инфекцияга тез чалинадилар, ҳамда уларда CIN ва ББС ривожланиш хавфи жуда юқоридир.

Ўзбекистонда бачадон бўйни саратон олди касалликлари, цервикал интраэпителиал неоплазияси эпидемиологияси, уларни ташхислаш ва даволаш борасида қатор илмий ишлар олиб борилмоқда (Юсупова М.А., Бекметова Ш.К., Хайтбоев Ж.А.2017, Алмухамедова Б.Г., Алиева Д.А.2018); бироқ, экологик ноқулай Оролбўйи худуди шароитларида турли даражадаги цервикал интраэпителиал неоплазиянинг ривожланиш патогенезида иммуногенетик ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар жуда кам ўтказилган.

Шу сабабли, бачадон бўйни саратонолди шикастланишларда иммунологик, молекуляр-генетик тадқиқотларнинг диагностик потенциалини аниқлаш ва баҳолаш жуда долзарбдир. Буларни амалга ошириш натижасида цервикал интраэпителиал неоплазия билан оғриган беморларни кўриқдан ўтказиш ва даволаш алгоритмларини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ K11-384 сонли «Бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазияда иммун жавоби молекуляр-генетик назорати механизми» (2015-2019 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Оролбўйи минтақасидаги аёлларда цервикал интраэпителиал неоплазия патогенезидаги клиник ва иммуногенетик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кольпоскопик ва цитоморфологик белгилар асосида Оролбўйи худудида яшовчи репродуктив ёшдаги аёлларда CINнинг структураси ва клиник кечишини аниқлаш;

назоратдаги аёллар контингентидида инфекциялар мавжудлиги ва йўлдош касалликларни аниқлаш;

цервикал интраэпителиал неоплазиянинг ривожланиш даражасига боғлиқ аёллардаги тизимли ва локал иммунологик реактивликни баҳолаш;

CIN бўлган аёлларда фолат цикли полиморфизми (*MTHFR*) ва *IL-17A* генлар генотиплари ва аллелларининг тарқалиш хусусиятларни аниқлаш;

CIN билан оғриган аёлларда иммуномодуляторлар билан коррекцияловчи чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

CIN ривожланиш даражасига қараб касаллик профилактикаси, ташҳиси ва даволашнинг оптимал алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий перинатал маркази назоратида бўлган CIN касаллигининг турли даражаси билан касалланган 145 нафар бемор ҳамда назорат гуруҳи учун 30 нафар соғлом аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик қон ва зардоби иммунологик, молекуляр-генетик тадқиқотлар учун ҳамда цервикал шилимшиғи иммунологик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, бактериологик, биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёлларда цервикал интраэпителиал ривожланишига мойиллик *MTHFR* генининг гомозигот *A/A1298 A>C* генотипи ва *A* аллелига, касалликка протекторлик эса гетерозигот *A/C* генотипига боғлиқ бўлиши исботланган;

илк бор аёлларда CIN II-III ривожланишига мойиллик *IL-17A* генининг *G* аллели ва *GG* генотипига, касалликка резистентлик эса - *A (rs2275913)* аллели билан узвий боғлиқлиги исботланган;

CIN Iга чалинган аёлларда иккиламчи иммунтанқислик ҳолатининг пайдо бўлиши иммунитет хужайравий бўғинида *CD3+* ва *CD4+* лимфоцитлар сонининг камайиши, *CD16+*, *CD25+* ва *CD95+* хужайралар сони ортиши ва гуморал бўғиндаги *IgM*, *IL-1β*, *IL-8*, *IL-10*, *IFNγ*, *TNFα* миқдор кўрсаткичларининг юқори даража бўлиши билан пропорционал боғлиқ бўлиши аниқланган;

CIN IIга чалинган аёлларда иммун тизим етишмовчилигининг юзага келиши тизимли иммунитетнинг супрессорлик (*CD8+*) ва киллерлик (*CD16+*) фаоллиги ортиши, иммуноглобулинлар (*IgA*, *IgG*) ва цитокинлар (*IL-8*, *IL-10*, *IFNγ*) миқдорининг юқори даражага кўтарилиши ҳамда *HΦA*, *CD25+*, *CD95+* лимфоцитлар сони, *IL-1β* ва *TNFα* миқдор кўрсаткичлари камайиши билан узвий боғлиқлиги исботланган;

CIN IIIга чалинган аёлларда чуқур иммунтанқислик ҳолати ва унинг оғирлик даражаси иммун тизим адаптив (*CD3+*, *CD4+*, *CD20+*, *CD25+*, *CD95+*, *CDHLA DR+*) ва туғма иммунитет (*CD16+*, *HΦA*, *IL-1β*, *IFNγ*, *TNFα*) кўрсаткичлари етишмовчилиги, иммунитетнинг супрессорлик фаоллиги, иммуноглобулинлар (*G*, *A*, *M*) ва цитокинлар (*IL-10*, *IL-17A*) миқдор кўрсаткичларининг юқори бўлиши билан боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор бачадон бўйни интраэпителиал шикастланиши ривожланиши

патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини берувчи тизимли ва локал иммунитет ҳолати кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор CIN II билан оғриган аёлларни комплекс даволашга иммункоррекцияловчи Биофлазид препаратини киритилиши иккиламчи иммунтанқислик ҳолатини яхшиланишига олиб келиши аниқланган;

CIN III билан оғриган аёлларда Имуномакс препаратини киритилиши иммунитет бузилган бўғинларини қайта тикланишини таъминлаши аниқланган;

иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари асосида ББС профилактикаси, даволаш ва давомийлигини прогноз қилиш учун CIN билан оғриган аёлларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Оролбўйи минтақасидаги аёлларда цервикал интраэпителиал неоплазия патогенезидаги клиник ва иммуногенетик хусусиятларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган; CIN юзага келиши ва ривожланиш хавфини юзага келтиришда *MTHFR* полиморфизмига боғлиқлиги; CIN II-III ривожланиш хавфи *IL-17A (rs2275913)* ген полиморфизмининг *G* аллели ва *GG* генотиби билан боғлиқлиги, резистентлик эса - *A (rs2275913)* аллелига боғлиқлиги; CIN турли даражаларида иммунитетнинг ҳужайравий ва гуморал бўғинидаги ўзгаришларга узвий боғлиқлигини аниқланиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тизимли ва локал иммунитет ҳолатида аниқланиши, CIN II ва CIN III билан оғриган аёлларни комплекс даволашга иммункорригирловчи препаратларини киритилиши иккиламчи иммунодефицит ҳолатини яхшиланишига олиб келиши, иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари асосида ББС профилактикаси, даволаш ва давомийлигини прогноз қилиш учун CIN билан оғриган аёлларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал шикастланиши ривожланиши олдини олиши ва асоратларни камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оролбўйи минтақасидаги аёлларда цервикал интраэпителиал неоплазия патогенезидаги клиник ва иммуногенетик хусусиятлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Цервикал интраэпителиал неоплазияларда яллиғланишга хос цитокинлар миқдорини аниқлашнинг диагностик аҳамияти» услубий

тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 29 июлдаги 8н-д/184-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши цервикал интраэпителиал неоплазияларда яллиғланишга хос цитокинлар миқдорлари ўзгаришларини эрта аниқлаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Цервикал интраэпителиал неоплазияларда иммункорригирловчи даволашнинг самарадорлиги» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 8н-д/184-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши цервикал интраэпителиал неоплазияли аёлларда касалликни даволаш чора-тадбирларига иммункорригирловчи препаратларни ўз вақтида киритиш орқали даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

цервикал интраэпителиал неоплазиянинг ривожланишининг клиник ва иммуногенетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси худудий перинатал маркази клиникаси, Нукус шаҳар 2-сонли оилавий поликлиникаси, Аҳоли репродуктив саломатлиги маркази Хоразм филиали ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали амалиётларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 8н-з/203-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши аёлларда цервикал интраэпителиал неоплазия касаллигини эрта ташхислаш, касаллик оқибатида бачадон бўйни саратони шаклланишини эрта аниқлаш, касаллик асоратларини камайтириш ҳамда уларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан 8 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Цервикал интраэпителиал неоплазиянинг замонавий концепцияси: клиник, иммунологик ва молекуляр генетик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида цервикал интраэпителиал неоплазиялар эпидемиологияси, генетикаси ва диагностикаси ҳақидаги замонавий тушунчалар таҳлил этилган. Иммуно тизими фаолияти, цервикал интраэпителиал неоплазиялар патогенезидаги молекуляр-генетик аспектлар, ҳамда CIN касаллигида коррекцияловчи чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлили ўтказилган.

Диссертациянинг «**Текширилган аёлларнинг клиник тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган тадқиқот усуллари келтирилган. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий перинатал маркази маслаҳат поликлиникасига 2015-2019 йиллар давомида мурожаат қилган бачадон бўйни турли патологиялари билан касалланган 600 нафар аёлларнинг текширув натижалари келтирилган. Шулардан, репродуктив ёшидаги (23-40 ёш) 145 аёлда турли даражали CIN аниқланган бўлиб, уларга клиник, инструментал, иммунологик, молекуляр-генетик тадқиқотлар ва даволаш чора-тадбирлари ўтказилди. Кўриқдан ўтказилган 145 аёлнинг 34 тасида (23,4%) - CIN I, 65 (44,8%) аёлда – CIN II ва 46 (31,7%) аёлда - CIN III кузатилган.

Клиник текширувлар ўз ичига гинекологик кўриқ, кольпоскопик кўриқ ва ультратовуш диагностикасини қамраб олади. Лаборатория текширувларига – цитологик тадқиқотлар (ПАП-тест), цервикобиоптатларни морфологик ўрганилиши, иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар кирази. Тадқиқотнинг иммунологик усуллари ЎзР ФА Иммунология ва геномика институтида иммунитет ҳолатининг асосий курсаткичларини микдорий баҳолаш усуллари ердамида амалга оширилди, яъни: Ф.Ю.Гариб ва ҳаммуаллифларнинг усули (1995) бўйича LT серияси моноклонал антитаначалар ёрдамида CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-, CD20+-, CD25+-, CD95+- и CDHLA+-лимфоцитларнинг фоиздаги ва абсолют микдори аниқланади.

Асосий синфга кирадиган IgG, IgA, IgM иммуноглобулинлар концентрацияси микдори ИФТ усулида аниқланган. Қон нейтрофилларининг фагоцитар фаоллиги (НФФ) В.П.Кудрявцева (1983) бўйича латексли заррачалар ёрдамида аниқланган, циркуляцион иммуно комплексларнинг даражаси (ЦИК) Naskova et al. (1978) усули бўйича аниқланган. Бу усул, муҳитда полиэтиленгликол (ПЭГ, молекуляр массаси - 6000) мавжуд шароитда, иммуно комплекслар таркибидаги иммуноглобулинларнинг мономерлар эрувчанлигини нефелометрия қилиш ва кейинчалик ўрганилаётган зардобларни фотокалориметрда (КФК – 2М, тўлқин узунлиги 450 нм) ўлчашга асосланган.

IL-1 β , IL-8, TNF α , IFN α , IFN γ ва IL-17A цитокинлар концентрацияси берилган кўрсатмаларга мувофиқ ИФТ усулида аниқланган. Синовларда

Санкт-Петербург махсус тозаланган биопрепаратлар илмий-текшириш Институтига қаршли “Цитокин” МЧЖ реактивларидан фойдаланилган.

Хламидия, микоплазма ва уреоплазмалар идентификацияси иммунофермент таҳлил усулида ҚР Тери-таносил касалликлари диспансерида ўтказилган (лаборатория мудирини Арнаутова Н.С.). Жинсий йўл орқали юқадиган инфекцияларга қарши қон зардобидидаги А, М ва G синфи иммуноглобулинларини аниқлаш учун Hospitex (Италия) фирмасининг ювиш ускунаси ва ИФТ-анализаторини ишлатган ҳолда, «Вектор Бест» иммунофермент тест-системасидан (Россия, Новосибирск) фойдаланилган.

Цервикал канал микробли пейзажини бактериологик тадқиқ қилиш ҚР РПМ клиникасининг лабораториясида ўтказилган (лаборатория мудирини Г.Ўразымбетова). Қин биоценозининг микроскопик характеристикаси Б.И. Медведев ва бошқ. (2001) тавсиялари асосида ўтказилган.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар ЎзР ФА Иммунология ва геномика Институтида, полимераз занжир реакцияси ва рестрикция фрагментларининг узунлик полиморфизми таҳлилидан фойдаланган ҳолда, ДНКни ажратиш, MTHFR гени аллеллар вариантларининг таҳлили ва қон намуналаридаги IL-17A гени полиморфизминини аниқлаш орқали ўтказилган. Иммунокоррекцияловчи чора-тадбирлар Пависин, Биофлазид ва Иммуномакс препаратларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили MS Office пакетининг Excel дастури, STATISTICA-6 дастури ҳамда R дастури ва Statgraphics Plus 5.0. дан фойдаланган ҳолда, IBM – АТ шахсий компьютерда ўтказилган. Статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар $P < 0,05$ бўлганида инобатга олинган.

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи бачадон бўйни патологияси бўлган аёлларнинг клиник-инструментал-лаборатория характеристикаси»** деб номланган учинчи бобида бачадон бўйни касалликлари билан оғриган аёлларнинг клиник-анамнестик таҳлил натижалари келтирилган. 2015-2019 йиллар давомида консултатив поликлиникага мурожат қилган, бачадон бўйни касалликлари билан оғриган аёлларнинг 600 таси ретроспектив равишда таҳлилдан ўтказилган; тиббий карталар кетма-кет танлаш орқали ажратиб олинган. Аёллар репродуктив анамнезининг бир қатор параметрлари, ягона услубиёт ёрдамида, қиёсий ўрганилди: аёллар анамнезидаги гинекологик патология ҳамда амбулатор кўрик пайтида қайд этилган гинекологик касалликлар ўрганиб чиқилган.

Амбулатор карталарнинг таҳлилига кўра, 78,3% пациентларда консултатив поликлиникадаги кузатувлар давомийлиги 1-3 йилни ташкил қилган; 13,0% да – 4-6 йил; 3,7% да – 7-9 йил, ва фақат 5% да – 10 йил ва ундан юқори. Бир йил ичида кўриқдан бир-икки марта ўтганлар сони 87% ни ташкил қилган. Анамнез таҳлилига кўра, гениталиялар (аёл жинсий аъзолари) яллиғланиши билан касалланган аёллар сони – 56,5% ташкил қилган. Касалланишнинг содир бўлиш тезлиги бўйича иккинчи ўринни бачадон бўйни патологиялари эгаллади (жумладан, мураккаб эктопия ёки эрозия, бачадон бўйни эктропиони ва бошқа касалликлар – 29,3%). Кўриқдан ўтказилган жами пациентларнинг 3,3% анамнезида турлича тарқалган полиплар аниқланган,

шундан улардан 1,7% бачадон бўйни полипларига тўғри келади. Бачадон бўйни касалликлари содир бўлиш тезлиги жинсий ҳаётнинг эрта бошланиши ва жинсий шерикларнинг кўплигига боғлиқдир. Жинсий ҳаёт бошланишининг тахлилига кўра, жинсий алоқаларнинг эрта бошланиши кўп учраган: 20 ёшгача бўлганлар гуруҳида – жинсий алоқаларнинг бошланиши 47,9% ҳолатларда бошланган, 20-29 ёшдагилар гуруҳида – 75% да. Шу билан бирга, анамнездаги бачадон бўйни касалликлари аёлларнинг деярли ярмида учраган – 48,2%. Аёллар кўриги вақтида эндоцервицит клиник ташхиси пациентларнинг 67,1% га қўйилган, бачадон бўйни эрозияси – 6,0% га, ва уларнинг деярли барчасида яллиғланиш жараёни касаллиги аниқланган. Кўп қаватли эпителий дисплазиясининг I даражаси - 18,6% да кузатилган, унинг ўртача даражаси – мурожаат қилган пациентларнинг 22% да кузатилган. Бунда аниқланишича, 2017 йилда жами мурожаат қилган аёлларларда бачадон бўйни патологияси 22,3% да аниқланган, 2018 йилда – 29,6%, 2019 йилда – 37,3%. Олинган маълумотларга кўра, охириги 5 йил ичида кўриқдан ўтказилган аёллар орасида бачадон бўйни патологиясининг содир бўлиш тезлиги 1,6 баробарга ошган.

145 аёл асосий гуруҳни ташкил қилди, ва улар бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазиянинг клиник-диагностик ўзига хос хусусиятлари, хавфли омил, иммунитет ҳолати ва турли терапия усулларининг самарадорлигини ўрганиш учун асосий гуруҳ бўлиб хизмат қилди.

Жараённинг мураккаблилига қараб, кўриқдан ўтказилган аёллар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: CIN I – 34 аёл (23,4%), CIN II- 65 аёл (44,8%) ва CIN III- 46 аёл (31,7%). Кўриқдан ўтказилган аёлларнинг соматик саломатлиги ўрганилганда, уларнинг деярли ҳар иккинчиси у ёки бу турдаги сурункали экстрагенитал патология билан касалланганлиги аниқланди. Аёллар генератив функцияси тахлили маълумотларига кўра, CIN га чалинган аёлларда гинекологик касалликларнинг содир бўлиши тезлиги кўпайиб боради. CIN га чалинган аёлларнинг 1/3 қисмида (36,9%) олдин бачадон бўйни патологияси аниқланган, уларнинг 47,6% да псевдоэрозия, лейкоплакия ёки дисплазия сабабли, даволашнинг деструктив усуллари ўтказилган, қолган 52,4% аёлларда эса консерватив даволаш амалиётлари ўтказилган. CIN га чалинган аёлларда ҳомиладорликнинг патологик яқуни содир бўлиши тезлиги, жумладан, муддатдан олдин туғиш, бола ташлаш ва ривожланмайдиган ҳомиладорлик ҳолатлари, назорат гуруҳи аёллари билан солиштирилганда, 2 баробарга кўп учраган.

Кольпоскопик белгиларнинг мажмуи бўйича бачадон бўйни эпителий яллиғланишининг баъзи ўзига хос кўрсаткичлари аниқланган, яъни: АОЭ, йодманфий доғланиш, эпителийни Люголь эритмаси билан доғлар кўринишида нотекис бўялиши.

Цитологик тадқиқотларнинг яқунига кўра, CIN га чалинган 145 та бемордан 119 таси (82,1%) - ASCUS– ҳолатига тааллуқли бўлган, яъни, Папаниколау системаси бўйича мазок иккинчи синфга мос келади ва кўпгина ҳолатларда бачадон бўйни эпителийдаги яллиғланишли ўзгаришларни акс эттиради. Биз ўтказган анатом-гистологик тадқиқотларга кўра, енгил дисплазия, ёки CIN I – 34 та бемор-аёлларда (23,4%) аниқланган, ўртача ва

оғир дисплазия, ёки CIN II-III – 111 та бемор-аёлларда (76,5 %) аниқланган. Аниқланилишича, ясси хужайрали интраэпителиал шикастланишларда (SIL), Инсон папиллома вируси (ИПВ) билан боғлиқ сурункали цервицит билан оғриган беморларда бачадон бўйни эпителийси ўзгаришлари, цервицитнинг клиник белгилари бўлмаган аёллар билан солиштирилганда, кўпроқ учрайди (82,4%) [Kulhakova S., 1997, Прилепская В.Н., 2003].

Барча аёл-беморлар ПЗР ёрдамида ДНК-махсус ИПВ тестидан ўтказилди. 49 аёл ИПВсининг ДНКси типларга ажратиш натижасида, куйионкоген (пастонкоген) - 6 ва 11 типлари - 21,2% (31) ва 13,8% (20) ҳолатларда мавжудлиги аниқланган. Юқори онкоген бўлган 16- ва 18 типлар - 9,0% (13) ва 20,0% (20) ҳолатларида аниқланган. Инфекцияланганлик даражаси аралаш генитал инфекция ва ҳомиладорликнинг юқори содир бўлиш тезлиги билан чамбарчасбоғлиқ, бачадон бўйни касалликларининг содир бўлиш тезлиги эса жинсий ҳаётнинг эрта бошланиши ва жинсий шерикларнинг катта миқдори билан боғлиқдир. CIN га чалинган аёлларда лактобактерияларнинг кескин пасайиши ёки умуман мавжуд эмаслик ҳолатлари аниқланган. Аёллар урогенитал тракти микстинфекцияланишида хламидиялар, уреа- ва микоплазмаларнинг мавжудлиги ИПВ ДНКси мавжудлигининг қиёсий маркери сифатида кўриш мумкин, бактериал вагинозни эса – жинсий аъзоларнинг вирусли зарарланиши сифатида кўриш мумкин.

Диссертациянинг «**Цервикал интраэпителиал неоплазияга чалинган аёллар иммун тизимининг ҳолати**» номли тўртинчи бобида турли даражали CIN билан оғриган 145 аёлнинг иммун тизими ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Хужайравий иммунитет нисбий кўрсаткичларининг тахлили қуйидаги ўзгаришларни кўрсатди: CIN билан оғриган аёлларда Т-хужайралар ва уларнинг субпопуляциялари умумий сонининг камайиши кузатилди. CD3+ миқдорининг пасайиши CIN I га чалинган аёлларнинг $10 \pm 6,9\%$ да, CIN II га чалинган аёлларнинг $73,3 \pm 11,9\%$ да, ва CIN III га чалинган аёлларнинг $90,5 \pm 6,6\%$ да аниқланган ($P < 0,001$).

Лимфоидли хужайраларда CD4+ рецепторларнинг камайиши CIN IIIга чалинган аёлларнинг 80,3 % да, CIN II га чалинган аёлларнинг 65,7 % да, CIN I га чалинган аёлларнинг 45,6 % да аниқланган. Бунда, назорат гурухи маълумотлари билан солиштирилганда ($35,1 \pm 1,05$), уларнинг миқдори CIN I га чалинган аёлларда - $31,3 \pm 1,3\%$, ($P < 0,05$), CIN II га чалинган аёлларда - $28,5 \pm 1,2\%$, ($P < 0,05$), CIN III га чалинган аёлларда эса - $44,9 \pm 1,1\%$, ($P < 0,01$) ни ташкил қилган. Биз аниқлаган иммун тизими Т-хелпер ҳалқасининг дефекти кўрикдан ўтган аёлларда инфекция жароёнларнинг узоқ давом этиши, ҳамда клиник ва субклиник ҳолатларнинг ривожланиши билан содир бўладиган, уларнинг фаоллашувига мойиллигини асослайди. CIN I даражали аёлларда CD8+ -хужайраларнинг даражаси назорат қийматлари ($22,8 \pm 1,2\%$) атрофида бўлди, аммо CIN II ва CIN III даражали аёлларда уларнинг миқдори юқори бўлди (мос равишда $27,9 \pm 0,3\%$ ва $28,6 \pm 0,5\%$, назорат вариантыда эса $21,5 \pm 1,2\%$, ($P < 0,05$)). Олинган маълумотлар текширилган аёлларда Т-хужайравий цитотоксик компонентининг фаоллашганидан далолат беради.


Тадқиқотларимизда аниқланилишича, CD16+-хужайралар миқдорининг камайиши аниқланган бўлиб, бу ҳолат CD4+ нинг паст миқдори билан боғлиқ бўлиши мумкин. CD16+-лимфоцитларнинг даражаси, CIN даражасига боғлиқ равишда нотекис ўзгаради, яъни назорат варианты билан солиштирилганда - $16,7 \pm 1,0 \%$, CIN I ва CIN II даражали аёлларда уларнинг миқдори $26,2 \pm 1,2 \%$ ($P < 0,01$) ва $22,5 \pm 0,5\%$ ($P < 0,05$) гача ошиши қайд этилган. Цитотоксик Т-лимфоцитлар ва табиий киллерларнинг барқарор ошиши пациентларда Th1-типидаги иммун жавобининг устунлиги ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган интерлейкин-4 ва IFN γ миқдорининг ошганлигидан дарак беради. CIN III даражали аёлларда бошқа ҳолат кузатилади. Киллер хужайраларнинг даражаси анча паст ва ўртача $11,9 \pm 0,97\%$ ($P < 0,05$) ташкил қилган.

CIN билан оғриган аёлларнинг фагоцитар фаоллигига келадиган бўлсак, унинг кўрсаткичи барча пациентларда паст эди ($P < 0,05$), ва энг кичик қиймат CIN III даражали беморларда қайд этилган ($P < 0,01$).

CIN I даражали аёлларда IFN γ нинг даражаси, назорат гуруҳи билан солиштирилганда, 1,54 баробарга юқори эди ($P < 0,01$). CIN II даражали аёлларда IFN γ нинг даражаси пастроқ эди ($21,4 \pm 1,1$ пг/мл), аммо энг чуқур дефицит CIN III даражали аёлларда аниқланган - $15,8 \pm 1,2$ пг/мл, ($P < 0,01$).

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, CIN билан оғриган пациентларда CD20+ нисбий миқдорининг ўртача қиймати паст бўлиб, апоптотик фаолликнинг (CD95+) ошиши билан бирга кузатилади (1-расм).

CIN I билан оғриган аёлларда зардоб IgM нинг концентрацияси максимал юқори бўлган ($P < 0,01$). CIN II билан оғриган аёлларда зардоб IgM нинг даражаси CIN I билан оғриган аёллардаги шу кўрсаткичдан нисбатан пастроқ эди, аммо назорат гуруҳи кўрсаткичидан юқори эди ($P < 0,01$). CIN III даражали аёлларда бу кўрсаткич ўртача $165 \pm 9,8$ мг/% ни ташкил қилди ($P < 0,01$). Пациентлар орасида зардоб IgM нинг юқори қийматлари жами аёлларнинг 80,9% да аниқланган. CIN I билан оғриган аёлларда IgM синтезининг юқори миқдори Т-лимфоцит-хелперлар регуляторлик функцияси бузилишларининг белгиси бўлиши мумкин.



1-расм. CIN билан оғриган аёлларнинг иммун тизими кўрсаткичлари

Ўтказилган иммунологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, CIN билан оғриган аёлларнинг кўпчилигида Т-хужайравий иммун жавоби бузилишлари Т-лимфоцитлар миқдори нормал бўлганида ҳам уларнинг фаоллашув хусусиятининг пасайишида намоён бўлади. Пациентларнинг 48,5% да В-хужайравий иммун жавобининг фаоллашиши кузатилади, ва бу ҳолат HLA-DR⁺ экспрессияловчи В-лимфоцитлар ва зардоб А ва М иммуноглобулинлар миқдорининг ошганлигида акс этади.


Шу билан бирга, турли даражали CIN билан оғриган аёлларнинг қон зардобдаги яллиғланишолди (IL-1 β , IL-8, IL-17A и TNF- α) ва яллиғланишга қарши (IL-10) цитокинларнинг миқдорлари ҳам ўрганилди. CIN I даражали аёлларда IL-1 β нинг миқдори $63,6 \pm 1,8$ пг/мл ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич назорат вариантыдаги $23,6 \pm 1,4$ пг/мл кўрсаткичидан анча юқори эди ($P < 0,01$). Аммо, CIN II даражали аёллардаги IL-1 β миқдорида пасайиш тенденцияси кузатилган. CIN III даражали аёлларда эса, назорат гуруҳи ($P < 0,05$) ва CIN I даражали аёлларнинг ($P < 0,001$) маълумотлари билан солиштирилганда, ишончли пасайиш кузатилган. CIN III даражали аёлларда неоплазия кучайиши билан TNF- α синтези минимал қийматларда пасаяди ($P < 0,05$).

Турли даражали CIN билан оғриган аёллар қин секретининг билан ўтказилган тадқиқот натижаларининг тахлили шуни кўрсатдики, CIN I даражали ҳолатда IL-1 β нинг миқдори назорат гуруҳи қийматларидан анча юқори бўлган ($P < 0,01$). Папилломавирус инфекцияси (ПВИ) кўринишидаги антиген босимнинг ошиши билан IL-1 β синтезининг босилиши рўй беради; CIN III даражали аёлларда унинг миқдори ўртача $6,4 \pm 0,4$ пг/мл ташкил қилиб, бу эса назорат гуруҳи қийматларидан деярли 2 баробарга паст. CIN I ва CIN II даражали аёлларда IL-8 нинг миқдори назорат гуруҳи қийматларидан 2 ва ундан юқорироқ бўлган баробарда ошгани кузатилди ($P < 0,01$). Аммо, CIN III ҳолатида IL-8 нинг миқдори ошиш тенденциясига эга бўлиб, ўртача $7,2 \pm 0,6$ пг/мл ни ташкил қилган. Назорат гуруҳи аёлларининг цервикал шилимшиқидаги TNF α миқдори ўртача $12,8 \pm 0,6$ пг/мл ни ташкил қилган, CIN I даражали аёлларда унинг миқдори нисбатан юқорироқ бўлиб, ўртача $14,6 \pm 0,8$ пг/мл ни ташкил қилган, CIN II даражали аёлларда TNF α нинг миқдори назорат гуруҳи қийматлари атрофида бўлди - $11,8 \pm 0,5$ пг/мл.

CIN III даражали аёлларда эса TNF α нинг концентрацияси назорат вариантыдаги қийматлардан 2 баробарга паст бўлиб, ўртача $6,4 \pm 0,5$ пг/мл ни ташкил қилган ($P < 0,05$). CIN III ҳолатида TNF α даражасининг ўзгариши хужайравий ҳалқа фаоллигининг етарли эмаслиги, фагоцитлар функционал профилидаги бузилишлар ва иммун тизими гуморал компонентининг самарасизлиги ҳақида далолат беради (2-расм).

IL-10 нинг миқдори назорат гуруҳи қийматларидан нисбатан юқорироқ бўлиб, мазкур цитокиннинг максимал миқдори CIN III даражали аёлларда кузатилган. CIN I ва CIN II ҳолатида IL-17A нинг миқдори назорат гуруҳи қийматлари билан деярли тенг даражада ва юқори. CIN III ҳолатидаги аёлларда эса IL-17A миқдори назорат гуруҳи қийматларидан деярли 3 баробарга юқори эди ($P < 0,001$). Бу натижалар асосида қуйидагича тахмин

қилишимиз мумкин, яъни IL-17A инфекциялар шароитида бачадон бўйни зарарланишларида иммунитетни зўрайтирувчи омил ролини бажариши мумкин, айниқса бачадон бўйни микромуҳитида.



2-расм. CIN билан оғриган аёлларда цитокинларнинг локал даражаси

Шундай қилиб, неоплазиянинг ривожланиши тубдан тескари бўлган цитокинлар синтези ўзгаришлари билан содир бўлади, яъни - IFN γ ва TNF α миқдори пасаяди, IL-10 миқдори эса ошади. TNF α ва IL-10 миқдорларининг ўзгариши CIN III билан оғриган беморларда хужайравий ҳалқа фаоллигининг етарли эмаслиги, фагоцитлар функционал профилидаги бузилишлар ва иммун тизими гуморал компонентининг самарасизлиги ҳақида далолат беради. Бу эса ўз навбатида вируслар персистенциясига сабаб бўлиб, касалликнинг кейинги зўрайишини бошлаб бериши мумкин.

Биз ўтказган тадқиқотларга кўра, қайд этишимиз мумкинки, CIN I билан оғриган аёлларда системали иммунитет ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари бу:

- CD16+, CD25+, CD95+, IgM, IL-1 β , IL-8, IL-10, IFN γ , TNF α даражаларининг ошиши;
- CD3+, CD4+ даражаларининг пасайишидир.

CIN I билан оғриган аёлларда локал иммунитет ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари бу: ўрганилган барча цитокинлар -IL-1 β , IL-8, IL-10, IL-17A, IFN γ , TNF α миқдорининг ошишидир.

CIN II билан оғриган аёлларда системали иммунитет ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари бу:

- CD8+, CD16+, IgA, IgG, IL-8, IL-10, IFN γ даражаларининг ошиши;
- CD3+, CD4+, фагоцитар фаоллик, CD25+, CD95, IL-1 β ва TNF α даражаларининг пасайишидир.

CIN II билан оғриган аёлларда локал иммунитет ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари бу: IL-8, IL-10 ва IL-17A даражаларининг ошиши; IL-1 β ва IFN γ даражаларининг пасайишидир.

CIN III билан оғриган аёлларда системали иммунитет ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари бу:

- CD8+, IgA, IgM, IgG, IL-10, IL-17A даражаларининг ошиши;

- CD3+, CD4+, CD16+, CD20+, CD25+, CD95+, CDHLADR+, фагоцитар фаоллик, IL-1 β , IFN γ и TNF α даражаларининг пасайишидир.

CIN III билан оғриган аёлларда локал иммунитет ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари бу:

- IL-10 и IL-17A даражаларининг ошиши;
- IL-1 β , IFN γ ва TNF α даражаларининг пасайишидир.

Шундай қилиб, CIN кўзгатувчилар элиминациясида марказий рол иммунитетнинг Т-хужайравий ҳалқага тегишлидир, иммун хужайраларнинг таъсирини бошқарувчи асосий молекулалар эса цитокинлар бўлиб, улар иммун жавоб самарадорлиги ва организмдаги яллиғланиш жараёни оқимини белгиллаб беради.

Диссертациянинг «**Цервикал интраэпителиал неоплазияга чалинган аёлларнинг молекуляр-генетик ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган бешинчи боби молекуляр-генетик тадқиқотлар натижасига бағишланган. Тадқиқотлар фолат циклининг асосий ферменти бўлган ва фоллий кислотасини (фолат) фаол шаклга айлантириш реакциясини катализловчи, ҳамда метионин аминокислотасини синтезида иштирок этувчи метилентетрагидрофолатредуктаза (MTHFR) ферментини кодлайдиган, rs1801133 MTHFR фолат циклини тадбиқ қилишда иштирок этувчи ДНК генлари кетма-кетлигини ўрганиш бўйича ўтказилган. Хужайра бўлинишида ДНКнинг метилланиши ва токсик таъсирга эга ортиқча гомоцистеин аминокислотасини бартараф этиш учун метионин жавоб беради. Биз, ихтиёрий равишда, қарақалпоқ миллатига мансуб (назорат гуруҳи) 24 респондентдан қон намуналарини олдик. Танловни тавсифлаш учун респондентнинг жинси ва ёши бўйича маълумотлар келтирилган (ўртача ёш $34,2 \pm 2,3$ ни ташқил қилди). Тадқиқот учун йўнатилган материаллар (қон ДНКси намуналари) иш протоколлари билан кузатиб борилган.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, генотиплар тақсимланиши бўйича қуйидаги маълумотлар олинди: содир бўлиши тезлиги 0,44 ва 0,56 бўлган С ва Т аллеллари аниқланди. Гетерозиготали СТ (0,46) доминант генотип бўлди, ТТ генотиби 0,33 содир бўлиши тезлигида аниқланди, СС генотипининг содир бўлиши тезлиги эса 0,21 ни ташқил қилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, MTHFR 1298 А>С полиморфизмидаги гомозиготали генотип А/А ва А аллели хавfli бўлиши мумкин. Мазкур полиморфизмдаги протекторли генотип сифатида гетерозиготали генотип А/С бўлиши мумкин. С аллели эса MTHFR 677 С>Т полиморфизмида хавfli бўлиши мумкин, гомозиготали С/С генотиби эса, эҳтимол патологияни пайдо бўлиш хавфини ошириши мумкин. Мазкур полиморфизмда протекторли генотип сифатида гетерозиготали генотип С/Т иштирок этиши мумкин.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади бу: IL-17A гени rs2275913 полиморфизмининг CIN касаллиги ва IL-17A ишлаб чиқарилишини аниқлаш учун соғлом инсонлар ва CIN билан оғриган бемор аёллар қон зардобдаги IL-17A миқдори билан IL-17A гени rs2275913 полиморфизми билан боғлиқлигини тадқиқ қилишдан иборат эди. Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, деярли соғлом 100 аёл ва Қорақалпоғистон Республикасида

истиқомат қилувчи CIN II-III даражалари билан оғриган 80 аёл IL-17A генининг бир нуклеотидли алмаштируви (SNP) тахлил қилинди.

IL17A (rs2275913) ген полиморфизми аллелларининг тарқалиши бўйича олинган маълумотлар тахлиliga кўра, А аллели билан солиштирилганда, G аллели назорат гурухи ва CIN билан оғриган аёлларда кўп учради. Аммо, G аллелининг учратиш содир бўлиш тезлиги, назорат гурухидан кўра, пациентлар гурухида кўпроқ юқори эди. Шу билан бирга, А аллелининг ташувчилари сони назорат гурухида кўпроқ учраган. IL17A (rs2275913) ген полиморфизми генотиплари ва аллелларининг тарқалиши бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари, назорат гурухи билан солиштирилганда, CIN билан оғриган аёлларда IL17A (rs2275913) гени генотиплари ва аллелларининг учраш содир бўлиш тезлиги фарқлар мавжудлигидан далолат беради.

